



2017 йил 15 июль

Бухоро шаҳри

№ 443

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги
ПҚ-3129-сонли “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро
этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Вилоятимизнинг сайёҳлик салоҳиятини дунёга кенг тарғиб қилиш, ташриф буюриши кутилаётган сайёҳларга қулай шароитлар яратиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли асосда бартараф этиш, туризм соҳасини янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги ПҚ-3129-сонли “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги ПҚ-3129-сонли “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Молия вазирлигининг Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилояти ҳокимларининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимларини жорий этиш ва уларнинг котибиятларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги;

янги жорий этилган вилоятлар ҳокимларининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларининг асосий вазифалари белгилаб қўйилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия

ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги инобатга олинсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, вилоят ҳокимлиги аппарати ташкилий-назорат гуруҳи (Ф.Латипов), вилоят адлия бошқармаси (А.Халилов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро ҳудудий бошқармаси (Ш.Махмудов) билан биргаликда жорий этилаётган вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифалари ва унинг котибияти тўғрисидаги низом лойиҳасини йигирма беш кун муддатда ишлаб чиқиб, тасдиққа киритсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, вилоят ҳокимлиги аппарати ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ф.Латипов билан биргаликда вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ва унинг котибияти мудир лавозимларини пухта махсус билимларга, юқори касбий маҳоратга эга бўлган, чет тилларини яхши биладиган, тажрибали ва малакали кадрлар билан тўлдириш юзасидан йигирма кун муддатда таклиф киритсинлар.

5. Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.


6. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 28 декабрдаги 474-сонли қарорининг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими

Ў.Барноев

Вилоят ҳокимлиги бошқарув апаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 55 нафар